I. КИЧИК БИЗНЕС ВА ҲУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 21 298 тани ташкил қилди. (2018 йилнинг мос даврига нисбатан 118,7 % га кўпдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг 2019 йил 1 октябрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(жамига нисбатан фоизда)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 35,4 %и), саноат соҳасида (19,5 %), қурилишда (10,4 %) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (9,2 %) ташкил этилган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 80,7 %и (2018 йил январь-сентябрда 79,3 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан 211,2 млн.АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 81,2 %и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 412,5 млн.АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 84,3 %и) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши

(*январь-сентябрь ойлари ҳолатига, фоизда)*



Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми
(2019 йил январь-сентябрь)

	Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	***Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да***
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	11 388,1	97,7
Саноат	4 889,3	76,6
Қурилиш	2 275,9	95,5
Чакана савдо	6 048,5	87,7
Юк ташиш, *млн тн.*	12,7	95,4
Йўловчи ташиш, *млн.киши*	225,5	97,8

- қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари томонидан 11 388,1 млрд.сўмлик ишлаб чиқариш ҳажми (кўрсатилган хизматлар) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 102,4 % га (жами қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 97,9 %и) ўсди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4 889,3 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 76,6 % и) ёки 2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунига нисбатан 126,6 %га ўсди;

- 2 275,9 млрд.сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,4 %и) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 138,1 %га кўпайди;

- чакана товар айланмаси 6 048,5 млрд.сўм, умумий ҳажмнинг 87,7 %и ёки 103,6 %га ўсиш билан, хизматлар умумий ҳажми 3 503,1 млрд.сўм, мос равишда 65,9 %и ёки ўсиш суръати 104,7 %ни ташкил этди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 104,6 %га (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 95,4 %и), йўловчи айланмасининг эса 103,3 %га (умумий йўловчи айланмасининг 97,8 %и) кўпайиши таъминланди.